Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 438 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 11 июндаги 165-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 11 июндаги 165-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2013 йил 13 август,
221-сон



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 13 августдаги 221-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарорида:

а) 7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «хўжалик юритувчи субъектларнинг» сўзларидан олдин «республика бюджетига тушадиган» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хўжалик жамиятлари томонидан давлат акциялари (улушлари) пакети бўйича дивидендлар (даромадлар)нинг тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши, уларнинг ўз вақтида тўланиши ва республика бюджетига тушиши юзасидан назоратни белгиланган тартибда амалга ошириш»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази билан биргаликда Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат мулки улуши бўйича дивидендлар ҳисобланиши ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш бошқармасига ва унинг ҳудудий бўлимларига уларнинг ўзларига юкланган функциялар бажарилишини таъминлашлари учун устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги ахборотлар тақдим этилишини таъминласинлар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 апрелдаги 189-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 32-модда):

а) 4-банднинг учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 6-банди учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



в) 2-иловада:

4-банддаги, 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 16-банднинг иккинчи хатбошидаги, 18-банднинг биринчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи хатбошидаги, 6-банднинг биринчи хатбошидаги, 7-банднинг олтинчи хатбошидаги, 10-банднинг учинчи хатбошидаги, 11-банддаги, 15-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг биринчи хатбошидаги, 17 ва 19-бандлардаги «Давлат мулки қўмитаси», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказини», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 37-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» тегишли равишда «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 77-модда):

а) 1-иловада:

10-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 11-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармасига», «Давлат мулки қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини ёки унинг ҳудудий бошқармасини» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



лантириш давлат қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармасига», «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига» ва «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ёки унинг ҳудудий бошқармасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг бешинчи хатбошидаги ва 31-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини (унинг ҳудудий бошқармасини)» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини (унинг ҳудудий органини)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

3-банднинг тўртинчи хатбошидаги, 5-банддаги ва 18-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» ва «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, мо-



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



нополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг ўн иккинчи — ўн олтинчи ва ўн саккизинчи хатбошиларидаги «Давлат мулки қўмитасининг», «Давлат мулки қўмитаси», «Давлат мулки қўмитасини» ва «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказини», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

IV бўлимнинг номидаги «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банднинг учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг» сўзлари билан алмаштирилсин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



22-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«акциялар пакетларини бошқаришда — давлатга тегишли акциялар пакети Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг олди-сотди шартномаси тузилганлиги тўғрисидаги билдиришномасига мувофиқ ишончли бошқарувчининг «депо» субҳисоб рақамидан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг ҳисоб рақамига ўтказилган пайтдан бошлаб, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг акциялар пакети (ёки унинг бир қисми) устав фондига берилиши тўғрисида буйруғи чиққан пайтдан бошлаб»;

учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» ва «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари эса «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловада:

кириш қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси», «раиси ўринбосари», «Давлат мулки қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ҳайъатининг» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази», «бош директори», «Марказ» ва «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ҳайъатининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Марказ» сўзи билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Марказнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари тегишли равишда «Марказ» ва «Марказнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг ўн иккинчи — ўн олтинчи, ўн саккизинчи ва ўн тўққизинчи хатбошиларидаги «Давлат мулки қўмитаси», «Давлат мулки қўмитасини» ва «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари тегишли равишда «Марказ», «Марказни» ва «Марказнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



V бўлимнинг номидаги «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Марказнинг» сўзи билан алмаштирилсин;

9-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Марказ» сўзи билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Марказ» ва «Марказга» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитасининг» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг», «Давлат мулки қўмитаси» ва «Давлат мулки қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Марказнинг», «Марказ» ва «Марказга» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Марказ» сўзи билан алмаштирилсин;

17-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Марказ» сўзи билан алмаштирилсин;

18-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг» ва «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Марказнинг» ва «Марказ» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандда:

учинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Марказ» сўзи билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилинган ҳисобланади:

| | |
|---|---|
| ______________________________ (акциялар пакети берилган тақдирда — давлатга тегишли акциялар пакети ишончли бошқарувчининг «депо» ҳисоб рақамидан Марказнинг ҳисоб рақамига ўтказилган вақтдан бошлаб Марказнинг: олди-сотди шартномаси тузилганлиги; Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг: ______________________________ни (акциялар пакети, улушлар (уларнинг бир қисми) устав фондига бериш тўғрисидаги буйруғи чиқарилганлиги ҳақидаги билдиришномасига мувофиқ)»; | ______________________________ (улуш берилган тақдирда — Марказ томонидан Ишончли бошқарувчи: олди-сотди шартномаси тузилганлиги; Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг: ______________________________ни устав (улуш (ёки унинг бир қисми) фондига бериш тўғрисидаги буйруғи чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилинган вақтдан бошлаб) |

фойда олувчининг реквизитларидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,



WWW.LEX.UZ

Hujjat 2013 yil 19 avgust holatiga



монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида» 2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 42-модда):

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) қарорга иловада:

9, 14-бандлардаги, 15-банднинг биринчи хатбошидаги, 16-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 17-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 18-банддаги, 19-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 20, 23-бандлардаги ва 24-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг», «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига», «Давлат мулки қўмитасига» ва «Давлат мулки қўмитасидан» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг», «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига» ва «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.



WWW.LEX.UZ